



Тугилган санаси: 4 ноябрь 1897 йил (янги сана бўйича)

Тугилган жойи: Вонюх кишлоги, Кологрив уезди, Кострома губернияси (hozirgi Кологрив тумани, Кострома вилояти)

Вафот санаси: 22 июль 1941 йил, Москва

Лавозими: Совет армияси генерали (1941), Совет Иттифоки Кахрамони (1937)

Таржимаи хол

Дмитрий Павлов дехкон оиласида тугилган. Аввалида черков мактабида, кейин эса икки синфли ўқув юртида таълим олди. Бўлажак генерал ўқув юртини ташлаб, гимназиянинг тўрт синфини экстерн тарзида топширди.

Биринчи Жахон урушида иштирок этиши

1914 йилда Биринчи жахон уруши бошланганидан кейин Россия императорлик армияси сафига кўшилди. Уруш давомида бир катор полкларда хизмат килди. Улуг урушнинг оғир кунларида катта унтер-офицер унвонига етди. 1916 йилда яраланиб, Германияда асирга тушди. Асирликда шахталарда ишлади ва 1919 йилда Россияга қайтди.

Фаолиятининг давоми

1919 йилдан Кизил Армияга сафарбар этилди. Гражданлик уруши (1917–1922) давомида взвод ва эскадрон командири бўлиб хизмат килди. Жанубий, Жануби-Гарбий ва Туркистон фронтларида жанглarda катнашди .

1923 йил бошида бригада таркибида Туркистон фронтига ўтказилди. 1923 йил феврал ойидан бошлаб, йўк килиш отряди кўмондони сифатида Хўжанд яқинидаги босмачилар козоги Турдибой отрядига қарши жангларда қатнашди. 1923 йил августидан бошлаб Шаркий Бухорода 77-кавалерия полки кўмондони сифатида Иброҳимбек, Ало-Назар, Барот, Хўжаман, Хожи-Али отрядларига қарши жангларни бошқарган. (босмачилар билан қураш никобида, жуда кўп мусулмонларни ўлдирган)

1924 йил июнь ойидан 48-кавалерия полкида пиёда кўшинлари бўйича кўмондон ёрдамчиси лавозимида хизмат қилди. Шу йил октябридан эса 47-кавалерия полкида шундай лавозимда ишлашни давом эттирди.

1928 йилдан Павлов қатор полклар ва механизациялашган қисмларни бошқарди. 1936–1937 йилларда Испаниядаги фуқаролик урушида республикачи ҳукумат томонидан танк бригадаси кўмондони сифатида қатнашди.

Совет Иттифокига қайтгач, Автобронетанк бошқармасини бошқарди. Испанияда танклардан фойдаланиш тажрибасидан келиб чиқиб, у дизель двигателли ва қучли зирхли танклар ишлаб чиқаришни илгари сурди. Шунингдек, танк корпусларини тарқатиб юборишни таклиф қилди, улар ўрнига алоҳида танк батальонлари ва бригадаларини ташкил қилишни режалаштирди.

Иккинчи жаҳон урушидаги фаолияти

1940 йилда Беларусия махсус ҳарбий округи кўмондони этиб тайинланди. 1941 йилда Германия ҳужуми бошланганида Ғарбий фронт кўмондонлигини олиб борди. Белосток-Минск жангида фронт жиддий мағлубиятга учради, бу эса Павловнинг лавозимдан четлатилишига сабаб бўлди.

1941 йил 4 июль куни Дмитрий Павлов қўлга олинди. 22 июль куни СССР Олий суди ҳарбий коллегияси томонидан қўрқоклик ва кўмондонлик вазифаларини бажармаганликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. У ўша куни итдек отиб ташланган.

Реабилитация

1957 йилда СССР Олий суди Павловни оқлаб, унга нисбатан чиқарилган ҳукмни бекор қилди. Шу йили у ўз ҳарбий унвони ва мукофотларига тикланди.

Абу Муслим